

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ СУРХОНДАРЁДА ЧОРВАЧИЛИК
СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЮЗАГА
КЕЛГАН МУАММОЛАР**

*Қосимов Абдисаттор Чориевич,
Термиз давлат университети жаҳон
тарихи кафедраси тадқиқотчиси*

Аннотация: Мустақиллик йиллари Сурхондарё вилоятида дехқон ер майдонларининг кичкиналиги сабабли дехқонларга тегишли чорва молларини озуқа билан тўла таъминлаш имконини бермайди. Вилоятнинг аксарият фермер хўжаликларидағи мавжуд озуқа таркибида пичанбоп ўтлар ва маккажўхори кўп бўлиб, ушбу экинларни кўпчилик хўжаликлар етишиди. Омухта ем асосан товар хом-ашё биржаси (ТХБ) орқали сотилади ва уларнинг таклифи ғоят чекланган.

Калит сўзлар: Дехқон, омухта ем, хўжаликлар, фермер хўжаликлари, чорва моллари, қўй-эчкилар.

Abstract: The years of independence in Surkhandarya region do not allow farmers to provide enough feed for their livestock due to the small size of the agricultural land. The available feed on most of the farms in the province is rich in hay and corn, and most of the farms grow these crops. Bulk feed is mainly sold through Commodity Exchange (CXB) and their supply is extremely limited.

Key words: Farmer, forage, farms, farms, livestock, sheep and goats.

Сурхондарё вилоятида дехқон ер майдонларининг кичкиналиги сабабли дехқонларга тегишли чорва молларини озуқа билан тўла таъминлаш имконини бермайди. Уларнинг факат 57 фоизи молларини ўзи ишлаб чиқарган озуқа билан (қисман бўлса-да) таъминлайди. Аксарияти эса (75 фоизи) уларни сотиб олишга мажбур. Бундан ташқари, дехқон хўжаликларининг 62 фоизи чорва моллари учун озуқа тўплаш билан шуғулланади – ўт-хашак ўради, озиқ-овқат чиқиндиларини йиғади. Қорамолларни йўллар, ариқлар бўйи ва бошқа жойларда боқиши кенг тарқалган. Жумладан, ёлланган подачиларнинг молларни жамоат яйловларида боқиши яйловлар етишмаслиги туфайли унчалик кенг оммалашмаган. Қорамол парвариш қилаётган барча фермерлар ҳам ўз озуқа базасига эга эмас – уларнинг 70 фоизи ўз участкаларида озуқа етиширса, 50 фоизи яйловга эга. Шу сабабли сўровда қатнашган фермерларнинг 91 фоизи чорва молларини жамоат яйловларида боқиши имкониятига эга, 42 фоизи озуқа тўплаш билан шуғулланади (ўт-хашак ўради, озиқ-овқат чиқиндиларини йиғади ва ҳоказо), 11 фоизи молларини йўллар ёқаси, ариқлар бўйида ва бошқа

жойларда бोқади. Дехқон хўжаликларида энг кенг тарқалган озуқа маккажӯҳори ҳисобланади. 2007 йилда Сурхондарё вилоятида тадқиқот ўтказилган оиласарнинг 30 фоизи ушбу озуқани етиштиради ва у ўзлари ишлаб чиқарган озуқа умумий миқдорининг 45 фоизини ташкил қиласди. Уй хўжаликларининг 19 фоизи пичанбоп ўтлар етиштиради. Бошқа озуқа экинлари дехқон участкаларида ғоят кам учрайди. Уй хўжаликларининг кўплари сомондан молларига озуқа сифатида фойдаланади[1].

Вилоятнинг аксарият фермер хўжаликларидаги мавжуд озуқа таркибида пичанбоп ўтлар ва маккажӯҳори кўп бўлиб, ушбу экинларни қўпчилик хўжаликлар етиштиради ва улар фермер хўжаликларидаги етиштирилган озуқа миқдорининг қарийб 80 фоизини ташкил қиласди. Фермер хўжаликларининг қарийб учдан икки қисми чорва моллари учун озуқа сифатида, кам миқдорда бўлса-да, бошоқли экинлар етиштиради.

Шунингдек, 2007 йилги ҳолатга кўра вилоят миқёсида ўз участкаларида озуқа экинлари етиштирадиган дехқон хўжаликларининг ярмидан кўпида (54 фоизи) озуқа етишмас эди. Бунинг асосий сабаби ернинг етишмаслиги ва озуқа экинлари ҳосилдорлигининг пастлигидир. Фермерларнинг 37 фоизи қорамолларини ўз участкасида етиштирилган озуқа билан таъминлай олмайди. Фермерларнинг 56 фоизи озуқа экинларини етиштириш учун ернинг етишмаслигини бунинг асосий сабаби, деб, ҳисоблаш мумкин. Буни пахта ва ғалла етиштириш ҳисобидан озуқа экинлари етиштиришдаги маъмурий чекловлар билан изоҳлаш мумкин. Айрим ҳудудлар учун озуқа экинларини сугориш учун сугориш сувининг етишмаслиги ҳам долзарб муаммодир. Кўпгина дехқон хўжаликлиари етарли миқдорда озуқа сотиб ололмади. Бунинг асосий сабаби - нархининг баландлиги (айниқса, омухта ем, кунжара) ҳамда сифатли озуқа тақчиллигидир. Шу сабабли уй хўжаликларидаги чорва моллари асосан сомон ва маккажӯҳори билан боқиласди ва бундай рацион озуқанинг тўйимлилиги нуқтаи - назаридан номақбул ҳисобланар эди. Бундан ташқари, сўров натижаларига кўра, аксарият хўжаликларда (65 фоиз) чорва молларини сақлаш учун озуқа етишмайди, 9 фоиз уй хўжаликлари ўз молларини боқиш учун озуқа билан зарур миқдорда таъминлай олмади.

Умуман олганда, 2007 йилга келиб фермерларнинг атиги 40 фоизи ўз чорва молларини етарли миқдорда озуқа билан таъминлашга қодир. Бу борада шароит нисбатан яхши бўлган Тошкент вилоятида ҳам ушбу қўрсаткич 70 фоиздан ошмайди. Фермерларнинг ярмидан кўпи ўз қорамолларини озуқа билан фақат уларни сақлаб қолиш учунгина таъминламоқда, 10 фоизи чорва молларини энг кам миқдордаги озуқа билан ҳам таъминлай олмайди[2].

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2006 йилги маълумотларига кўра, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналарида озуқа билан

таъминланиш 67 фоизни (озуқа бирлигига) ташкил этди[3]. Аммо, ушбу озуқа миқдорига асосан сомон (бошоқли экинлар пояси) ҳисобидан эришилган. Сомон тайёрлаш нормага нисбатан 306, пичан 68, сенаж 56, силос 60, озуқабоп лавлаги 0,18, яшил масса 45 фоизни ташкил этди.

Қорамоллар сони ўн баравар кўп дехқон хўжаликлари учун ушбу муаммо янада жиддий ҳисобланади. 2007 йилга келиб вилоятда мавжуд дехқон хўжаликларининг озуқа экинлари учун ажратган ер майдонидан келиб чиқсан ҳолда, улар етиштирадиган озуқа бўйича ҳисоб-китоблари ушбу хўжаликларнинг фермер хўжаликлариға қараганда озуқа билан таъминланиш даражаси 25 фоиз кам эканини қўрсатди. Томорқа участкаларида озуқа етиштириш дехқон хўжаликларининг пичан, ширали озуқа ва яшил массага бўлган эҳтиёжининг 5-10 фоиз, силосга бўлган эҳтиёжининг 1 фоиз ва сомонга бўлган эҳтиёжининг 274 фоизини таъминлади.

1991-2007 йилларда республикада қорамоллар сони, гўшт ва сут ишлаб чиқаришни ифода этадиган кўрсаткичлар 40-46 фоиз ошган. Бироқ, озуқа экинлари экиладиган ерлар қарийб 70 фоиз қисқарган. Илгари озуқа экиш учун фойдаланилган ерлар дон мустақиллигига эришишга қаратилган давлат стратегиясини амалга ошириш доирасида буғдой етиштириш учун ажратилди. Натижада бир бош қорамол учун озуқа экинлари экиладиган майдон ярмига камайтирилди: 1980 йиллардаги бир бош қорамолга 0,2 гектардан 1990 йилларда 0,1 гектарга ва 75 фоизга – 2000 йилдан кейин 0,05 гектарга камайди[4].

Юқорида қайд этилганидек, республиканинг бошқа ҳудудларида кузатилгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам ерларни пахта ва ғалла етиштириш учун квоталаш тизими, шунингдек, ушбу экинлар бўйича давлат буюртмасининг белгиланиши ерларни бошқа экинлар, шу жумладан, озуқа экинлари учун эркин қайта тақсимлашга монелик қилди. Ҳатто, чорвачилик фермер хўжаликлидаги сугориладиган ерларнинг катта қисмида пахта ва кузги бошоқли экинлар экилди. Бу чорвачилик хўжаликлидаги ердан мақсадли фойдаланишга доир қонун ҳужжатлариға зиддир. Натижада озуқа экинлари экиш учун хўжаликларга ажратилган ерларнинг атиги учдан бир қисмидан фойдаланилди.

Сурхондарё вилояти фермер хўжаликлидаги озуқа экинлари етиштириш масаласини кўриб чиқишида қуйидагиларни ҳам эътиборга олиш даркор:

- озуқа экинлари кўпинча сифати паст ерларда етиштирилди ва уларнинг ҳосилдорлиги юқори эмас эди;
- хўжаликларда экинларнинг зарур тузилмаси ва ротациясини таъминлайдиган, тупроқ унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган озуқа экинларининг алмашлаб экилмаётган эди;

- озуқа әқинлари уруғи етиштирилмайды, махсус қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари етишмас эди (пахта ва ғалла етиштирмайдиган чорвачилик хўжаликлари учун, улар давлат томонидан берилмайды) ва бу озуқа ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатди.

Сурхондарё вилоятида яйловлар билан ҳам боғлиқ вазият мураккаб ҳисобланади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги берган маълумотларга қараганда 1991 йилда республикадаги барча яйловларнинг 92 фоизи вазирлик тасарруфидан эди. Чорва молларининг кўп ва тизимсиз боқилиши, яйловларни алмаштиришга барҳам берилгани ва яйловлар сифати қайта тикланмаётгани боис уларнинг майдони 40 фоизга камайиб кетди. Емирилган яйловларнинг бир қисми захира ерлар тоифаси, яна бир қисми ўрмон фондига ўtkазилди.

Бугун мамлакат чорвачилиги қарийб 13 миллион гектар яйлов ерларга эга. Уларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида жойлашган. Яйлов чорва молларининг (қўйлар) асосий қисми шу ерларда боқилади. Сурхондарё вилоятида яйловлар нисбатан камроқ эди. Шу сабабли, қорамоллар учун сенаж (табиий ўтлар) тайёрлаш ҳам муайян қийинчиликлар билан боғлиқлигини эътиборга олиш зарур. Қорамол парвариш қилишга йўналтирилган хўжаликлар, одатда, сугориладиган худудларда жойлашган, сенаж эса дашт ва тоғолди худудларида тайёрланади. Бу худудларга бориб, озуқа тайёрлаш ва олис масофага олиб келиш меҳнат ресурсларини жалб қилиш, транспорт техникасини талаб қиласи ҳамда бу озуқа қийматини оширади. Дашт ва тоғолди худудлarda озуқа тайёрлаш бўйича махсус бригадаларининг сенаж тайёрлаши тизимли равишда ташкил этилмагани уни зарур миқдорда тайёрлаш кафолатини бермайди. 2000 йилда воҳадаги яйловлар майдони жами 854,2 минг га ерни ташкил этган бўлиб[5], республикамиздаги жами яйловларнинг умумий майдони 15881,2 минг га ерни ташкил этган[6]. Асосан яйловлардан чорвачиликда фойдаланилган. Воҳадаги яйловларнинг катта майдони тоғолди худудларига тўғри келади (44 %)[7]. Аҳоли қишин-ёзин турғун яшаётганлиги сабабли, қишлоқлар ва қудуклар атрофларида яйлов худудларига бўлган тазиқ кучаймоқда, яъни яйловлардан фойдаланиш тартибсиз ҳолда олиб борилиб, кўпчилик яйлов майдонларидан ҳаддан ташқари тинимсиз фойдаланиш оқибатида яйловлар қуриб бориши, сифатсиз яйлов озуқаси билан озиқланган чорва молларининг маҳсулдорлиги эса паст бўлиши, энг ачинарлиси, ушбу яйловларнинг умуман яроқсиз ҳолатга келиб қолиши хавфи юзага келмоқда[8]. Илгари чорвадорлар томонидан яйловлардан мавсумий тарзда фойдаланиш уларнинг таназзулга учрашидан сақлаган[9]. Табиийки, яйлов, ўтлоқ майдонларининг танқислиги чорва молларининг маҳсулдорлигининг камайишига сабаб бўлади.

Сариосиё туманидаги Узун ўрмон хўжалигига 2005 йил 1 январ ҳолатига 2464 бош қўй-эчкилар мавжуд бўлиб, хўжалик вилоят аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда ўз хиссасини қўшиб келган. Бироқ, хўжалик тасарруфидаги куз-қиши даврида чорвани боқиш учун яйловлар йўқлиги чорва бош сонини кўпайтириш ва уни парвариш этишга жиддий тўсқинлик қилган[10].

2006 йилда вилоят фермерларнинг 81 фоизи ўртacha 2,5 тонна омухта ем сотиб олган ва бу харид қилинган бошқа озуқаларнинг умумий микдоридан кўпдир. Аммо, шуни эътиборга олиш керакки, ушбу йилларда омухта ем сотиб олиш ҳам муаммо эди. Негаки, ушбу ресурс давлатнинг қатъий назорати остида ишлаб чиқарилди ва сотилди. Уларни ишлаб чиқарадиган заводлар ўз маҳсулотини бозорда ёки бевосита фермерларга сотиш ҳуқуқига эга эмас эди. Омухта ем асосан товар хом-ашё биржаси (ТХБ) орқали сотилади ва уларнинг таклифи ғоят чекланган. Фермернинг омухта ем сотиб олишга оид буюртмаси кўриб чиқилиши учун (қониқтирилмаса-да) у биржага кўплаб ҳужжатларни тақдим этиши керак эди.

Аслини олганда, омухта емни бозордан ёки бошқа фермерлардан (товар хом-ашё биржасидан сотиб олганлардан) нақд пулга сотиб олиш мумкин эди, бироқ, унинг нархи биржадагидан анча баланд бўлган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистонда чорвачилик: бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истиқболлари. Аграр секторни ривожлантириш тенденциялари нуқтаи назаридан таҳлил. - Тошкент, Насаф нашриёти. 2010. Б.79.
2. Ўзбекистонда чорвачилик: бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истиқболлари. Аграр секторни ривожлантириш тенденциялари нуқтаи назаридан таҳлил. - Тошкент, Насаф нашриёти. 2010. Б.80.
3. Республика бўйича ўртacha бир бош шартли қорамолни боқишининг солиширима меъёрлари ва ҳудудлар бўйича табақалаштирилган солиширима меъёрлар ҚСХВ томонидан белгиланган. Бир бош шартли қорамол учун ўртacha 15,5 тонна озуқа талаб этилади, ҳудудлар бўйича бу кўрсаткич 12,5-17,1 тонна, республика бўйича озуқа бирлигига бўлган талаб 42,1 центнер, ҳудудлар бўйича 34,1-46,4 центнерни ташкил этади.
4. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. –Тошкент, 2000. –Б. 141.
5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Б. 157.
6. Фармонов Т. Яйлов экологиясини яхшилашда чорвачиликнинг ўрни // Экология хабарномаси. 1-сон. 2001. – Б. 16.
7. Сурхан-Шерабадская долина // Сборник научных трудов ТашГУ. – Т., 1964. – С. 140.
8. Я.А.Турдимуратов Я.А. XX асрда сурхон-шеробод воҳаси ареал хўжалик маданияти (чорвачилиги мисолида). Тарих фан. ном. Дис.–Тош.: 2019.-Б. 21.
9. Традиционные знания в области землепользования в странах Центральной Азии: Информ. сборник / Под общ. ред. Г.Б.Бектуровой, О.А.Романовой. – Алматы: S-Принт, 2007. – С. 15.
10. Сурхондарё вилоят хокимлиги жорий архиви 1091- фонд, 1-рўйхат, иш-1991, 44-варак.